Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 27 август • сешанба № 33 (873)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

***Ислом КАРИМОВ:***
***“...Тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун барчамиз шу мусаффо осмонни сақлаш, асраш учун курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркор”.***

**Буюк неъмат**

## Тинчликнинг томирлари юракдадир

### ёхуд осойишта юртда яшашнинг ўзи буюк бахт



**ТИНЧЛИК!** Етмиш икки томиримизга хотиржамлик ва таскин берувчи сеҳрли оҳанг. Бор-йўғи еттита ҳарфдан иборат бу сўзда етти иқлимнинг мўъжизаси, бутун ер юзининг тароватi, миллиардлаб юракларнинг бахти, фароғати, ҳаловати, инсон қалбининг ҳарорати мужассам. Тинчликнинг қадри таърифларга сиғмайди. У қорнинг тагларида баҳор учун олқиш сўйлаётган қишнинг кўзида, тонгни онасининг иссиқ бағрида эркаланиб қарши олаётган гўдакларнинг ширин кулгусида, эзгулик элчиси бўлиб, осмонимизни тўлдириб учаётган ҳисобсиз қушлар чуғурида, ўтаётган ҳар бир кунимиздан миннатдор лаҳзалар шукронасида тинчликнинг қадри қатланган.

Унинг қиммати қўли бир бурда нонга чўзилган оч, яланғоч, кўзларида эса ёш қотиб қолган гўдаклар жоласида, шўролар даврининг сохта инсонпарварлиги туфайли қурбон бўлган жигарбандини бегона юртлардаги номаълум қабристонлардан излаб, фарёд чекаётган оналар noласида, Ватан учун қон кечган мардлар жасоратида, мақсадсиз афғон жангларида қўлидан, оёғидан айрилган йигитлар матонатида намоён бўлади, не-не оталарнинг ёстиғини қуритган қонли лаҳзалар тарозусида ўлчанади...- тинчликнинг қадри.

**Тинчликнинг қиммати** тириклик қадар муқаддас, ҳаёт қадар юксак. Тинчликнинг қадрини севимли шоирамиз Зулфиянинг биргина

***Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,***
***Ҳамон битмас сен солган алам.***

***Сен туфайли кўп хонадонда***
**ОТА, деган БУЮК шодлик кам...** деган сатрлари юракни ўйиб, англатиб туради.

**Тинчликка шу қадар ўрганиб қолганмизки,** осмон сал қаттиқроқ гумбурласа ҳам, момақалдироқ бўлиб, чақин чақнаса ҳам хавотир оламиз. Тинчликка шу қадар ўрганиб қолганмизки, нимадир қаттиқроқ тарақласа, одамларнинг овози сал баландроқ эшитилса ҳам ҳушёр тортамиз, “тинчликмикин?”, деймиз беихтиёр. Чунки биз тинчликни юрагимизга жойлаганмиз. Юрагимиз эса ҳамиша ҳушёр ва ҳамиша бедор... Фарзандларимиз, набираларимизнинг митти юрагига ҳам Ватан тинчлигини оқ йўргакка ўралган кундан бошлаб, алламизга қўшиб жойлаймиз. Ватанни сев, тупроғини ўп, деган сўзлар шеър эмас, ҳар бирмизнинг шиоримизга айланган. Чунки маънавий уйғоқлик ҳам Ватан тинчлигининг битта томири.

Тинчлик бўлса баланд-баланд, ҳашаматли иморатлар қад ростлайди. Тинчлик бўлса йўллар йўлларни, диллар дилларни бир-бирига боғлайди.

Одатда уйингиз тинч бўлмаса, на бир меҳмон ва на бирор нарса кўнглингизга сиғмайди. Томоғингиздан ҳатто сув ҳам ўтмайди. Кўзингизга ҳеч нарса кўринмайди. Тинчлик бор жойда барака бўлиши ҳам улуғ бир ҳикмат. Яна бир жиҳати дунёнинг нариги чеккасидан бўлса ҳам сайёҳлар тинчлик барқарор маконга хоҳлаган пайтда қўрқмасдан келаверади. Бунга Навоий вилоятида шу йилнинг айни баҳорида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали чоғида яна бир бор гувоҳ бўлдик. Кенту қишлоқлардан анча олисда, Сармишсой дарасида бепоён қирадирларда ўтказилган бу анжуманга дунёнинг манаман, деган Италия, Франция, Канада ва бошқа ривожланган ўнлаб давлатлардан юзлаб меҳмонлар келди. Ярим тунгача давом этган гала концертда туркиялик, италиялик ва хитойлик таниқли санъаткорлар қўшиқ куйлашди, яйраб рақсга тушишди. Қоронғу кечада Ўзбекистон осмонида порлаган тинчлик юлдузлари хорижликларнинг кўнглини ёритди.

**Тинчлик — иқтисодиётимиз ривожи кафолати ҳам.** Бархanлар бағрида бунёд этилган Навоийда бугунги кунда 50 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Корея, Венгрия, Эрон, Америка, Нидерландия, Панама, Лихтенштейн, Канада, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Сингапур, Россия, Латвия каби ўнлаб хорижий ва ҳамдўстлик давлатлари билан ҳамкорликда ишлаётган корхоналар нафақат вилоят, балки Ўзбекистонимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганлиги ҳам тинчлик шарофатидан.

Ёки Маликчўл бағрида бунёд этилган Навоий эркин иқтисодий-индустриал зонасининг ўзида айни пайтда 12 та қўшма корхона ташкил этилганлиги, Ўзбекистонга қўл берган ҳамкорларимиздан — Жанубий Корея инвесторлари юртимизда тинчлик барқарорлиги учун, ҳатто, Маликчўлнинг қоқ бағрида ўзларига янги турар-жой массиви қуриб, худди ўз уйларида яшаётгандек, хотиржам ҳаёт кечирмоқда, юртимиз равнақи учун замондошларимиз билан баб-баробар меҳнат қилмоқда.

Демак, **“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”** шиори нафақат юртдошларимиз, балки Ўзбекистон билан ўз тақдири, келажагини боғлаган ҳар бир миллат ва элат қалбида акс-садо бермоқда.

2 ▶

## Ўзбекистон йўллари

### улар истиқлолимиз имкониятини кўрсатмоқда



**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 22 йиллиги нишонланаётган юртимизда барча соҳалар қатори йўл транспорт коммуникация соҳасида ҳам қисқа фурсатда эришиб бўлмайдиган ютуқларга эришилди.**

ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш борасидаги қатор қарорлари ҳамда **“Автомобиль йўллари тўғрисида”**-ги Қонун асосида соҳа жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Хусусан, 2013 йилда халқаро стандартларга жавоб берадиган 526 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, Қамчиқ довонида 71 километрлик автомобиль йўли участкасида реконструкция ишларини якунига етказиш, шунингдек, қатор кўприк ва йўл ўтказгичларни барпо этиш мўлжалланмоқда. Бу борада “Ўзавтойўл” давлат-акциядорлик компанияси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда жойлардаги ҳокимликлар билан биргаликда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда бу бўйича тегишли инфратузилмани ривожлантиришга доир амалий чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, 2011-2015 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури ижроси мобайнида бевосита “Ўзавтойўл” ДАК таркибидаги корхона-ташкилотлар томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар “Ўзбек миллий автомагистрали” таркибига кирувчи 125 километрдан ортиқ автомобиль йўли 4 тасмали қилиб, тўлиқ реконструкция қилинди. Булар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи А-380 “Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг 50 километр қисми, А-378 “Самарқанд — Ғузор” автомобиль йўлининг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудидан ўтувчи 24 километр қисми, Қамчиқ довонининг 15 километр қисмидир.

2 ▶

**Тизим тадбири**

## Ҳисобга олиш ва расмийлаштириш тартиби

### юзасидан маълумот берилди

**Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги Фармойишига мувофиқ Бухоро ва Самарқанд вилоятларида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент доирасида Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг такомиллашуви” мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.**

АНЖУМАНДА Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”**ги қарорининг мазмун-моҳияти ва уни амалда қўллаш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти идораларида ҳисобга олиш ва расмийлаштириш тартиби ҳақида журналистларга атрофлича маълумот берилди.

Хусусан, **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”**ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлиши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши кераклиги, шу муносабат билан юқоридаги Қонунга мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ҳукумат қарорида эндиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Тадбир давомида вилоят Статистика бошқармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари ходимлари янги тартиб ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Анжуман давомида инспекциялар томонидан ҳисобга олиш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида соҳага оид қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш, ҳуқуқни қўллашда ягона амалиётни жорий этиш, фуқаролар йиғини ҳисобга олинган кундан бошлаб, маълумотларни тегишли давлат статистика, солиқ хизмати органларига доимий тақдим этиб бориш амалиётини йўлга қўйиш, белгиланган шакл ва тартибда фуқаролар йиғинларининг тегишли реестрини юритиш ҳамда уларга зарур маълумотларни киритиб бориш юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

**Ўқув-машғулот**

## Ватаним, деб уйғондим...

**ТАРИХНИ ўрганиш инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Негаки, тарихини яхши билган, ўзлигини англаган инсонни енгиб бўлмайди. Шу боис ҳам тарихий ҳақиқатни тиклаш борасида юртимизда дадил қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, Ватаним, деб ҳайқирган, юрт ишқи билан ёниб яшаган мард ўғлонларнинг шуҳрати, уларнинг ўлмас номлари тикланди. Бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилган масканлар зиёратгоҳларга айлантирилди.**

ВАТАНИМИЗ озодлигига эришиш йўлида мардонавор курашган сиймолар руҳини шод этиб, орзу-армонларини рўёбга чиқариш, уларнинг номларини авлодлар хотирасига муҳрлаш улкан саодатга айланди. 31 август — мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни, деб эълон қилиниши, беихтиёр авлодларнинг ота-боболарга бўлган миннатдорчилиги рамзидир, дея баҳолашимиз мумкин.

Адлия вазирлигида ташкил этилган “Ватаним, халқим, деганлар”, номли галдаги ўқув-машғулотида зиёли, ватанпарвар аждодларимиз матонати ва жасурлиги ҳақида фикр юритилиб, қурбон бўлган ота-боболаримиз ёдга олинди.

Тадбирда филология фанлари номзоди Раҳмон Қўчқоров шаҳидлар хотирасини ёд этиш, мозийга ҳақиқат кўзи билан боқиш, миллий тарихимиз, аждодларимиз, қолаверса, келажак авлод олдидаги инсоний бурчимиз эканлиги, сабаби, тарихни билмай туриб, ўзликни англаб етиш мумкин эмаслигини таъкидлади.

**Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси**

**21 август.** Миллий матбуот маркази Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда Президентимизнинг **“Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида”ги Қарорининг мазмун ва моҳияти тўғрисида”**ги мавзуда семинар ташкил этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар электрон корпоратив харидлар тизимида рақобат тамойилларининг ва рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг тўлиқ амал қилинишини таъминлаш мақсадида “он-лайн” режимида фаолият кўрсатиши таъминланди, соф рақобат шароитларида энг паст нархларни таклиф қилган тадбиркорлик субъектлари ғолибликни қўлга киритиб, табиий монополия субъектлари, давлат унитар корхоналарининг ҳар бир шартнома бўйича миқдори 100 минг АҚШ долларигача бўлган буюртмаларини бажариш имкониятига эга бўлади.

* * *

**22 август.** Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Миллий матбуот маркази билан ҳамкорликда **“Халқ таълими муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги ва янги ўқув йилига тайёргарлик”** мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Ҳозирда халқ таълими бошқармаси тасарруфида **847 та** муассаса фаолият юритиб, шундан **290 та** мактаб, **447 та** мактабгача таълим муассасаси, **5 та** меҳрибонлик уйи, **17 та** махсус мактаб-интернат, **30 га** яқин мусиқа ва санъат мактаби, **12 та** Баркамол авлод маркази, **45 та** спорт мактаби, **1 та** шаҳар малака ошириш институтидир. Ушбу муассасаларда Мустақилликнинг 22 йиллигини муносиб кутиб олиш ва янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича сўнгги босқич ишлари амалга оширилмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

“INSON va QONUN” ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

“HUQUQ va BURCH” ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

“Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами” расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.
LexUZ on-line
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz website: www.lex.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33

# Тинчликнинг томирлари юракдадир

## ёхуд осойишта юртда яшашнинг ўзи буюк бахт



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

**Тинчлик бор жойда ҳаловату фароғат, фидойилик бор**. Тунлари ҳам бедор, кеча-ю кундуз бир маромда ишлайдиган корхоналарда нафақат эркаклар, балки хотин-қизларнинг бехавотир меҳнат қилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Республикамиздаги йирик кимё саноати корхоналаридан бири сифатида ном қозонган, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотларининг 30 фоиздан ортиғини етказиб бераётган "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятида меҳнат қилаётганлар орасида муҳандис-технолог Мукаррам Муратова ҳам бор. Мукаррам опа учун кимё бугун унинг тақдирига, нон-тузига айланган.

М.Муратова меҳнат қилаётган Аммиак ишлаб чиқариши I- II-навбати 004-цехи аммиак, азот кислотаси, аммиакли селитра ва бошқа бир қатор маҳсулотлар тайёрлашда бошланғич жараён вазифасини ўтайди. Бу ерда 2000 йилдан буён суюқ кислород тайёрланиб, Навоий кон-металлургия комбинатига етказиб берилаётганлиги, 2010-2012 йилларда мазкур цехда 21,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги, катта корхонанинг кучли тармоқларидан эканлигини кўрсатиб турибди.

Салкам қирқ йиллик меҳнат фаолиятининг ўттиз беш йилини ана шу қадрдон корхонада ҳалол ва шарафли меҳнат билан ўтказаётган кимёгар аёлнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланган. У Республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга, саноатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун 2004 йилда Президентимиз Фармонига кўра **"Эл-юрт ҳурмати"** ордени билан тақдирланган.

Саодатли тақдир бекаси ҳамон кимёгарлар сафида. Ука-сингиллари ҳамда уч нафар фарзандининг ана шу довруқли корхонада ишчилар сулоласи, деган шарафни ардоқлаётгани ҳам унга фахр ва ифтихордир. **Бир ўзбек аёлининг, бир онанинг бахти бўлса шунча бўлар.**

Дарҳақиқат, Кармана туманидаги "Қаҳрамон" маҳалласида ободликни кўнгилдан бошлаб, катта-ю кичикка ўрнак бўлаётган Эргаш ака ва Мукаррам опаларнинг обод оиласи юксак қадр-қиммат топган хонадон. Маънавиятли, маърифатли ва сабр-тоқатли оила соҳиблари, тарбияли, билимли ўғил-қизлар, оилани муқаддас, деб билган келин-куёвлар, оила файзи ҳамда қувончи ҳисобланган ширинтой набиралар билан бекаму кўст, бағри бутун бу бахтиёр оилага ҳавас қилса арзийди.

**Тинчлик бизнинг бахтимиз.** Шовуллаган олтин буғдойзорларни тинчлик эпкинлари оҳиста тебратади. Юртимизда ғалла мустақиллигига эришишнинг асл сабаби ҳам тинчликда. Ҳар гектар ердан салкам 100 центнердан ҳосил олган миришкорлардан бири Хатирчи туманидаги "Тасмачи иқболи" фермер хўжалигининг Юртбошимизнинг республика ғаллакорларига йўллаган табригида тилга олинишида ҳам тинчликнинг инъоми, туҳфаси бор. Табрикни эшитиб, фермер хўжалиги раҳбари Шомирза Қаххоровнинг офтобда қорайган юзлари ёришиб кетгани айни ҳақиқат.

**Тинчликнинг илдизлари** Ўзбекистонимизга шунчалар мустаҳкам ва бақувват боғланганки, юртимиз ёшлари қўрқмасдан хоҳлаган миллат билан, хоҳлаган давлат билан бемалол беллаша олади, тиллаша олади. Гулруҳ Азизова ҳам ана шундай тиниқ тафаккур ва иқтидор эгаларидан бири. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетини тугатиб, Навоий шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бўлимида фаолият юритаётган ёш мутахассиснинг Корея давлатига қилган хизмат сафари чоғида Сеул ҳамда Инчеон шаҳарларида бўлиб, "Осиё мамлакатлари шаҳарларини ривожлантириш бўйича тажриба алмашиш" мавзуидаги тақдимоти чет эллик ҳамкорларимизда катта таассурот қолдирди. Энг қувончлиси, Инчеон, яъни иккинчи пойтахт, деб аталган машҳур шаҳар мэри Сонг Ёнг Гилда Навоий вилояти ҳокими номига Ўзбекистон, аниқроғи, Навоий вилояти билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида хат йўллаш истаги айнан навоийлик ёш мутахассис Гулруҳ Азизованинг соф инглиз тилида қилган Ўзбекистонимиз, Навоий вилоятининг битмас-туганмас бойликлари, Навоий эркин иқтисодий индустриал зона имконият ва инвесторларга яратилган имтиёзлар тўғрисидаги тақдимотидан ва иқтидорли қизнинг шаҳар мэри билан таржимонсиз юзма-юз мулоқотидан кейин пайдо бўлганлиги ҳам истиқлол имконияти.

**Тинчлик бор жойда БАХТ бор.** Юртимизда тинчлик барқарорлиги учун нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам муҳташам ва бетакрор Бахт кошоналари қад ростламоқда. Бунёдкор халқимизнинг бахтига ярашиб турган Навоий шаҳрида бунёд этилаётган ана шундай Бахт уйи бугун шаҳар кўркига-кўрк, қалбларга ўзгача руҳ бағишламоқда. Ёшлар ойдин ва пок ниятлар билан қадам қўядиган бу қаср минг-минглаб ёшларнинг бахтига гувоҳ бўлади. Бу қутлуғ остона миллатимиз шаънига, юртимиз шарафига муносиб оилаларнинг кўпайишига пойдевор бўлиши муқаррар.

**Тинчлик бор жойда қушлар ҳадиксиз парвоз қилади**, **полапонлари учун ин қуради.** Қўшнимизнинг ҳовлиси тўла кабутар. Уларни тинчлик кабутарлари, деймиз. Чунки тинчлик йўқ жойда зоғларни ҳам учратолмайсиз. Кабутарлар қафасда эмас, ҳар куни осмонни тўлдириб парвоз қилади. Қушларнинг ҳар гал адашмасдан ўз уйини топиб келишида ҳам тинчликнинг хосияти бор.

Ҳа, Тинчлик офтобимиз, нону тузимиз. Минг йиллардан сўнг, балки табиат ўзгарар, балки биз билмаган гиёҳлар унар. Аммо **Тинчлик**нинг сурати, қудрати, қадр-қиммати ҳеч қачон ўзгармайди, у ҳамиша бугунгидек улуғворлигича абадий қолади.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

**ИНСОНИЯТ ҳаёти орзу-умидлар, эзгу-ниятлар ва уларнинг рўёби йўлидаги саъй-ҳаракатлардан иборат. Ҳар бир юрт, ҳар бир мамлакат келажак сари одимлаб бораркан, ўз олдига муайян ғоя ва мақсадларни қўяди. Иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий жиҳатдан юксалиш, халқнинг турмуш тарзини яхшилаш, фаровон келажакни яратиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Бироқ бу борада ҳамма давлатлар ҳам ўзи кўзлаган марраларга етавермайди. Бунинг учун, энг аввало, ўз тараққиёт йўлини тўғри белгилай олиш ва ана шу йўлдан оғишмай, қатъият билан илгарилаш зарур. Бугун курраи заминда икки юзга яқин давлат мавжуд бўлса, улар орасида ривожланган мамлакатлар бармоқ билан саноқли.**

Депутат минбари

# Озод юртга

## обод турмуш ярашади

БУ ЖИҲАТДАН ўз мустақиллигини қўлга киритганига эндигина йигирма икки йил тўлаётган Ватанимизга жаҳон аҳли ҳавас билан боқаётгани бор гап. Боиси, кўҳна тарих учун оний вақт ҳисобланган мана шу давр мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган улкан ҳажмдаги ислоҳотлар самараси туфайли дунёнинг энг илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқдамиз. Диёримиздаги тинч ва тотув, фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги бунёдкорона меҳнат, мустақил юритилаётган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, энг асосийси, биз танлаб олган ўз йўлимиздан оғишмай, қатъият билан, дадил одимлаётганимиз эришаётган салмоқли ютуқ ва муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда.

Қувонарлиси, онгу тафаккуримизда ҳам мутлақо янгича дунёқарашни шакллантирган истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва қадрини ватандошларимиз бугун янада теран идрок этмоқдалар.

Зеро, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини, эркин ва озод ҳаётни, ҳурриятни осонликча қўлга киритганимиз йўқ. Мана шу ўта мураккаб йўлда қанчадан-қанча заҳмату машаққатларга дучор бўлиб, оғир синовларни бошдан кечирганимиз тарихий ҳақиқат. Президентимизнинг маънавий жасорати, матонати, қатъияти, меҳнаткаш халқимизнинг мустаҳкам иродаси ҳамда фидойилиги туфайли танлаган йўлимиздан ортга чекинмаганимиз сабабли бугун озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамиятда муносиб яшаяпмиз. Жаҳон ҳамжамиятининг ҳақли эътирофига сазовор бўлган бундай улуғвор янгиланишлар мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, тараққиётнинг "ўзбек модели"ни белгилаб олиб, аниқ мақсад билан чуқур ўйланган ислоҳотларни ҳаётга изчил жорий этишга йўналтирилган оқилона сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Йигирма икки йилдирки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар олиб бормоқдамиз. Албатта, бунда асосий моҳият ҳуқуқ устуворлигига, қонун олдида ҳамманинг тенглиги принципига ҳамда ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилига таяниладиган давлат бошқарувига қаратиб келинмоқда.

Ҳа, инсон манфаатлари устувор бўлган жамиятимиз тараққиёти беш тамойил асосидаги изчил ислоҳотлар туфайли беқиёс марраларга юз тутди, ўзгаларнинг ҳавасини келтирадиган даражада камолотга эришди. Энг муҳими, юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон, ҳар жабҳада бунёдкорлик, яратиш, яшнатиш, ободлик завқи ўзгача.

Жаҳондаги баъзи давлатларни кузатинг-а?! Бутун умри урушлару таҳликалар остида ўтаётган халқлар камми? Турли талотўплар, ғавғоларга тўла айрим давлатларда яшаётган одамларнинг энг катта орзуси — ўз уйида тинчгина яшаш экани айримларга балки эриш туюлар?! Аммо бугунги куни хотиржамликда ўтганига шукр қилиб яшайдиган, эртаси ҳақида бирор тасаввури бўлмаган минглаб инсонларнинг борлиги аччиқ ҳақиқат. Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, озод ва тинч Ватанимизда хотиржам ўтаётган умримизнинг нечоғли қадрли эканини дилдан ҳис қиламиз. Зотан, Юртбошимизнинг **"Юксак маънавият — енгилмас куч"** асарида ёзилганидек, **"Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди".**

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда бизнинг халқаро муносабатлардаги фаол ташқи сиёсатимизнинг асоси Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидир. Ана шу манфаатларни рўёбга чиқариш йўлида ҳар қандай давлат билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва тинчликпарвар ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кучайтириш пировард мақсадимиздир. Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида доимо тинчлик тарафдори бўлиб келган, турли хил низоларни тинч йўл билан ҳал этиш борасида қатор эътиборга молик ташаббусларни дунёнинг нуфузли минбарларидан туриб эълон қилган. Ана шу тинчликпарвар сиёсат бундан буён ҳам изчил давом этаверади. Зеро, осойишта ва осуда элга байрамлар ярашади. Юртимизда ҳукм сураётган ана шундай барқарор тинчлик, бунёдкорлик, яратиш ва яшнатиш завқи боис кўнглимизга байрамлар сиғади.

Бугун биз барча соҳаларда қўлга киритаётган залворли муваффақиятлар, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётгани миллий истиқлолимизнинг навқирон санасини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан қарши олишимизда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, байрам тантаналарида ўтган давр мобайнида қўлга киритган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислоҳотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш ҳамда халқаро жамоатчиликка етказиш учун тегишли ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш доимо эътибор марказида бўлади.



**Шухрат ДЕҲҚОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

**"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!"** шиори остида республикамизнинг барча кенту қишлоқларида ўзгача шоду хуррамлик билан нишонланаётган байрам тантаналари кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, барча юртдошларимизнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи, кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда, расмиятчилик ҳамда баландпарвозлик кўринишларидан ҳоли тарзда ўтаётгани мустақилликнинг нақадар улуғ инъом эканлигини яна бир бор кўз ўнгимизда намоён қилмоқда.

Яна шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, илгари сурилган ғоялар ва фикр-мулоҳазалар, қонунчилик ташаббуслари, энг аввало, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг бундан-да фаровон келажагини таъминлаш, юртимизни тараққий этган илғор демократик мамлакатлар қаторига олиб чиқиш мезонларига таянади.

Таъбир жоиз бўлса, мазкур Концепция йигирма икки ёшини қарши олаётган навқирон Ўзбекистон келажагини мутлақо янги тараққиёт босқичларига олиб чиқувчи юксак тарихий аҳамиятга эга ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда баён этилган қоидаларни ҳаётга жорий этиш, таклиф этилган қонунларни амалиётга киритиш мамлакатимизни халқаро ҳамжамиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган мустақил давлат сифатидаги обрў-эътиборининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бинобарин, биз учун жонажон Ватанимизнинг миллий манфаатлари ҳар нарсадан устун экан, бу йўлда бир ёқадан бош чиқариб, ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатликда изчил саъй-ҳаракатларни, амалга оширсак, кўзлаган дастурий, стратегик мақсадларимизга, албатта, эришамиз. Янги ютуқ ва муваффақиятларимиз эса миллий мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик тўйига муносиб тўёна бўлади.

Ватанимизнинг равнақи, юртимизнинг осойишталиги-ю, истиқболимизнинг нурафшон бўлиши ҳар биримизга боғлиқ. Фақат атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлмай, ҳар қандай вазиятга синчков муносабатда бўлиб яшаш фуқаролик бурчимиздир. Ўз уйимиз, маҳалламиз, шаҳримиз ёки қишлоғимиз, умуман, бутун диёримизнинг тинчлиги ўз қўлимизда. Дарҳақиқат, бундай жаннатмонанд юрт дунёнинг ҳеч бир ерида топилмайди. Зеро, она Ватанни кўз қорачиғидай асрашга, ҳамиша огоҳ бўлишга, эзгуликка, дунёни билишга, ўзлигимизни асрашга, қолаверса, Инсон, деган улуғ номга муносиб яшашга интилишимиз зарур. Бу, порлоқ эртамиз учун, фарзандларимиз камоли учун ҳам керак.

Зеро, озод юртга обод турмуш ярашади.

---

Тадбир

# Байрам шукуҳи

## дилларни қувончга тўлдирмоқда

**АЙНИ КУНЛАРДА юртимизда Мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйига кенг кўламда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Республикамизнинг ҳар бир шаҳар ва туманлари, чекка қишлоқ жойларида байрамни юқори кўтаринки руҳда ўтказиш, ҳудудларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам фикримиз исботи.**

ҚОЛАВЕРСА, жойларда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аҳоли билан кенг қамровли учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилиб, мазкур тадбирларда ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташланиб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган ютуқларимиз холисона баҳоланиб, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътиборига етказиш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Фарғона вилояти адлия бошқармаси томонидан Бешариқ туманидаги Рапқон ҚФЙда "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ташкил этилган тадбирда ҳам умуммиллий байрамимиз бўлган мустақиллик ҳақида сўз юритилиб, амалга оширган ишларимиз холисона сарҳисоб қилинди, бугунги ютуқ ва марраларга, аввало, қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимиз алоҳида таъкидланди.

— Бу кунларга етказганига шукр, бундай осойишта ва фаровон ҳаёт, мустақил юртимизда ҳукм сураётган тинчлик неъмати доимо барқарор бўлишини Яратгандан сўрайман. Истиқлол туфайли 9 нафар фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли қилдим. Ҳозирда уларнинг ҳаммасидан кўнглим тўқ. Истардимки, ўсиб келаётган ёш авлод ушбу кунларнинг қадрига етсин ва келажакда шу юртга нафи тегадиган ўғил-қизлар бўлиб улғайсин, — дейди тадбирда сўз олган рапқонлик Турсуной момо.

Шунингдек, тадбир давомида маҳалла фаолларининг ҳудуддаги байрамолди ишлари ва келгусидаги режалари юзасидан ҳам сўз юритилди.

Бу каби тадбирлар вилоятнинг барча жойларида кенг миқёсда ўтказилмоқда.

**Шоҳистахон КАРИМОВА,**
**Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

---

# Ўзбекистон йўллари

## улар истиқлолимиз имкониятини кўрсатмоқда

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

"Обод турмуш йили"да "Ўзавтойўл" ДАК йўлсозлари томонидан юртдошларимиз учун ўзига хос туҳфа топширилди. Булар водий вилоятларини бирлаштирувчи, уларнинг қулай ва қисқа автомобиль йўллари орқали боғланишини таъминловчи 54 километр узунликдаги "Қўқон шаҳрини айланиб ўтиш йўли" ҳамда Сирғали туманидаги айланиб ўтиш йўлининг навбатдаги 8 километрлик қисмларидир.

Халқимизда "Йўл қурган азиз", деган ибора бор. Мустақиллик йилларида барпо этилган равон йўллар, обод ва фаровон гўшалар халқимизга хушкайфият бахш этмоқда. Йилдан-йилга равонлашиб, олис манзилларни яқинлаштириб бераётган йўл қурилиши соҳасидаги улкан бунёдкорлик ишлари кишини ҳайратга солади.

Бу борада республикамизда кенг миқёсда олиб борилаётган ишлар хорижлик фуқароларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда.

**Бекир МАМУТОВ,**
**Украина, журналист:**

— Мен Ўзбекистонда туғилиб, улғайганман. Бу гўзал мамлакатнинг бағрикенг халқидан умрбод миннатдорман. Ҳозирда Симферополда истиқомат қиламиз. Яқинда оилам билан Ўзбекистонда бир ҳафта меҳмон бўлдик. Кейинги йилларда Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, айниқса, йўл қурилишига берилаётган эътибордан ниҳоятда ҳайратга тушдим. Тошкент билан Самарқанд шаҳрини боғлайдиган йўллардан юриб, тўғриси, кўзларимга ишонгим келмади. Кенг, равон асфальт йўллар сизни бир зумда манзилингизга етказади. Ўзбек халқининг меҳнати, диди ва доно йўлбошчисига яна бир бор таъзим қиламан.

**Комилжон ҲАЙИТОВ,**
**Туркманистон фуқароси, ҳуқуқшунос:**

— Мен Ўзбекистонга қадрдон, яқин кишиларимни кўргани тез-тез келиб тураман. Йирик шаҳарлар, вилоят, туманларда йўл қурилишига берилаётган катта эътибордан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Бунёдкорлик, йўл қурилиши ёки бошқа соҳаларда катта, салмоқли ишларнинг амалга оширилаётганининг асосий сабаби — тинчлик, осойишталикдир. Ўзбекистонга бу борада ҳамма ҳавас қилади.

"Ўзавтойўл" компаниясининг хабар беришича, 2013 йилда умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларида йил давомида транспорт ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, мавсумий баҳорги ва кузги техник кўрикларда аниқланган нуқсонларни бартараф қилиш мақсадида 350,0 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилган. Жорий йилнинг 5 ойлигида мазкур ишларни амалга оширишда 160,0 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилиб, 950 километр атрофидаги йўллар кўзни қувонтирадиган даражада ободонлаштирилди. Мисол тарзида Фарғона вилоятининг Фарғона, Данғара, Ўзбекистон туманларидаги, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Ғаллаорол туманларидан ўтувчи М-39 автомобиль йўлидаги, Бухоро шаҳридаги умумий фойдаланувда бўлган автомобиль йўллари ва бошқа ҳудудлардаги таъмирлаш ишларини санаб ўтиш мумкин.

Хоразм воҳасида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Ўзбек миллий автомагистралини қайта қуриш ва ривожлантириш" лойиҳаси доирасида "Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу" автомобиль йўли қурилиши давом эттирилмоқда. Хоразм вилояти ҳудудидан ўтувчи мазкур йўлнинг 490-581 километрлари қурилиши юртимиз йўлсозлари ва Жанубий Кореянинг "POSCO Engineering Construktion Co.Ltd" ҳамда Германиянинг "GP Papenburg Baugeseiishaftmbh" компаниялари ҳамкорлигида амалга оширилди.

Бугунги кунга келиб узоқ қишлоқларимиз ҳам замонавий, кўркам кўринишга эга бўлиб бормоқда. Шу ўринда қишлоқларда замон талабларига монанд йўлларни барпо этиш ва муҳандислик-коммуникацион инфратузилмани ривожлантириш аҳоли турмуш тарзи сифатини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Юртимизда қишлоқ ички йўлларини таъмирлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шу баробарида қишлоқларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, йўлларнинг хавфсизлиги, жаҳон талабларига тўла жавоб бера олиши ҳамда йўл бўйи инфратузилмаси ривожланишининг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида мамлакатимизда "Ўзавтойўл" ДАК тизимидан ташқари "Трансйўлқурилиш" ДУК ташкил этилиб, соҳа ривожи учун хизмат қиладиган зарур техникалар билан таъминланди. Бу саъй-ҳаракатлар, аввало, мамлакатимиз йўл қурилиши соҳасига хизмат қилса, яна бир муҳим жиҳати 1500 дан ортиқ янги иш ўрнини ташкил этишга замин яратади.

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик одимлари Ватан иқтисодиёти, халқимиз турмуш шароити ва юрт ободлигига хизмат қилади. Юртимизга ташриф буюрган меҳмонларнинг ҳайрати қалбимиздаги бунёдкорлик шижоатига янада илҳом бағишлайди.

**Мадина ҲАМДАМОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Фаолият

# Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш

## бош мезонимизга айланган

АЙНИ КЕЗДА халқимиз Ватанимиз бўйлаб мустақиллик тантана қилган улуғ кунни, Истиқлол байрамини кенг нишонлаш арафасида турибди. **“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон”**, дея бугун қалбларимиз бежиз қувончга тўлаётгани йўқ. Мустақиллик туфайли биз, аввало, эркин бўлдик. Ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни танидик. Қадр-қимматимиз, ор-номусимиз, ғуруримизни англадик.

Мустақиллик шарофати билан гўзал ва бетакрор диёримиз таниб бўлмас даражада чирой очди. Мамлакатимиз салоҳияти юксалди. Бугунги кунда қайси соҳани олманг, уларда кечаётган янгиланиш жараёнлари кишини асло бефарқ қолдирмайди. Туб ўзгаришларнинг ҳаётбахш нафаси уфуриб турган шаҳару қишлоқларимиздаги файзу тароват ўзгача.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ўзгариш ва ислоҳотлар, аввало, инсон манфаати, унинг орзу-умидлари, эзгу ниятларини рўёбга чиқаришдек хайрли мақсадга хизмат қилмоқда. Истиқлолимизнинг 22 йиллиги арафасида халқимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли, эришган ютуқ ва марралари, уларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини ҳар томонлама чуқур англаш, яъни ҳаёт ҳақиқатини билиш, уни кенг жамоатчиликка етказиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонун ижодкорлиги, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимояси йўлида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Бу борада адлия органларининг роли ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Жумладан, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш, жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг давлат томонидан тартибга солинишини амалга ошириш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида ҳудуддаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари Конституциямиз ҳамда қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлаш борасида сўнгги йилларда кескин ўзгаришлар қилинганлиги эътиборга лойиқдир.

Чунки қабул қилинаётган норматив тусдаги ҳужжатларда хато ва камчиликларнинг бўлиши кўплаб фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, бошқарма томонида жорий йилнинг ўтган даврида вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларининг 63 та қарор лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, уларнинг 15 тасида қонунчилик нормаларига зид қоидалар бўлганлиги сабабли ижобий хулоса берилмасдан, қайтарилди.

Бундан ташқари, ҳокимликларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилиш натижасида, 7 та ноқонуний қабул қилинган норматив қарорлар аниқланиб, уларнинг бекор қилиниши ва қонунчиликка мослаштирилиши таъминланди.

Шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга жиддий ёндашилмоқда. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири борлигини бошқарма ходимлари чуқур ҳис этишади.

Хусусан, бошқарма томонидан жорий йилда 347 та шикоят ўрганилиб, уларнинг 213 таси қаноатлантирилди ва тегишли субъектларнинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланди, 124 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Мурожаатларда билдирилган масалалар таҳлилига кўра, улар ичида суд қарорлари, жойлардаги турли идора ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳамда улар томонидан чиқарилган айрим қарорлардан норозилик мазмунидаги шикоятларнинг борлиги кузатилади.

Масалан, фуқаро Д.Юлдашеванинг марҳум турмуш ўртоғи вафоти муносабати билан компенсация тўловларини ўз вақтида берилмаганлиги ҳақидаги бошқарма “Ишонч телефони”га қилган мурожаати юзасидан ўрганиш ўтказилиб, ушбу фуқаро фойдасига Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Гулистон шаҳар бўлими ҳисобидан 134.700 сўм ундирилиши таъминланди.

Бундан ташқари, вилоятда фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ҳамда улар фаолиятини тиклаш бўйича тегишли идоралар билан ҳамкорликда кўрилган чоралар ва кўрсатилган амалий ёрдам натижасида жами 42 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти қайта тикланди.

Тадибиркорлик субъектлари, шу жумладан, фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жорий йилнинг 1-ярим йиллигида 18,5 миллиард сўмлик 557 та даъво аризаси судларга киритилди.

Инсон ҳуқуқлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва шартномавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш борасида жойларда ўтказилган ўрганишларда жами 6060 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, тегишли субъектларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан бирга соҳада қонунчилик нормалари бузилиши ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликка таклифлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Албатта, айтсак айтгулик кўплаб самарали ишларимиз бор. Бу эзгу ишларимиз замирида инсонлар манфаатини улуғлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини доимо ҳимоя қилиш вазифаси ётибди. Шундай улуғ ниятни амалга оширишда эса, барча соҳа мутахассислари қатори, бошқармамиз ходимлари ҳам камарбасталик билан фаолият олиб бормоқда.

**Акбар ТОШҚУЛОВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**

Ҳуқуқий маърифат

# Устав — асосий қоидалар мажмуи

## фаолият мақсади аниқ, йўналиши тўғри

РЕСПУБЛИКА касаба уюшмаларида олиб борилаётган туб ислоҳотларга мувофиқ, шунингдек, касаба уюшма ташкилотларида ўринсиз ортиқча бўғинларни тугатиш, асосий эътиборни корхона ва ташкилотларда ташкил этилган бошланғич ташкилотларга қаратиш, жамиятда касаба уюшмаларининг мавқеини янада ошириш, бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг молиявий имкониятларини яхшилаш, уларнинг фаолияти учун эркин шароитлар яратиш мақсадида, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг 2013 йил 15 май куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари VI Қурултойида ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган ва амалдаги Уставга киритилиши зарур бўлган муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар тасдиқланди.

Эндиликда, янги таҳрирдаги Уставга асосан аввал фаолият юритиб келган вилоят Бирлашган касаба уюшмаси қўмиталарининг вазифалари бевосита корхона ва ташкилотлардаги бошланғич касаба уюшмаси қўмиталарига юклатилмоқда. Бу билан корхона ва ташкилотлардаги бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари ходимлар манфаатини чуқур ифода этувчи катта салоҳиятга эга, имконияти кенгайтирилган жамоат ташкилотларига айлантирилмоқда.

Бундан ташқари, касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларининг моддий ва молиявий имкониятларини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон алоқа ходимлари Касаба уюшмасининг янги таҳрирдаги Устави “Касаба уюшмаларининг маблағлари ва мулки”, деб номланган IX бўлими қайта кўриб чиқилди. Эндиликда, Уставнинг 9.5-бандига асосан, касаба уюшма аъзоларидан ҳар ойлик аъзолик бадалларини йиғиш вазифаси бошланғич ташкилотлар зиммасига юкланади. Ушбу бадаллардан Бошланғич ташкилотлар ҳисобига қолдирилган маълум қисмини (60, 70 фоизини) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, Марказий Кенгаш билан келишилган ҳолда, сайланма органлари тасдиқлаган сметага биноан мақсадли сарфланади.

Мазкур ҳужжатнинг яна бир эътиборли томони шундаки, тармоқ касаба уюшмасининг Уставига илк маротаба Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида қўлланилган ва давр синовидан ўтган “Касаба уюшма ташкилотларида меҳнат муносабатлари”, деб номланган янги X бўлим ва бир қатор қоидалар киритилди. Бу билан касаба уюшма ташкилотларида сайланма лавозимдаги ходимлар, шунингдек, жамоатчилик асосида касаба уюшма қўмиталари раислари вазифасини бажариб келаётган фидокор шахсларнинг меҳнат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизми такомиллаштирилди.

Маълумки, кейинги пайтда жамоатчилик назоратини кенг кўламда амалга ошириш касаба уюшмалари тизимида муҳим йўналиш этиб белгиланган. Бу, албатта, тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг янги таҳрирдаги қабул қилинган Уставида ҳам ўз ифодасини топган. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифасини бош стратегик мақсад қилиб, бу мақсадга эришиш борасида республика касаба уюшмаларида жамоатчилик назорати муҳим ўрин эгаллашини бир неча бор таъкидлаб келган. Хусусан, Юртбошимизнинг **“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да бу ғоя янада бойитилди. Маърузада, жумладан, шундай дейилади: **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур”.**

Концепция талаблари асосидаги янги таҳрирдаги Уставда жамоатчилик назоратини олиб бориш ва такомиллаштириш, ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш, меҳнат бозоридаги жараёнларни самарали тартибга солиш, меҳнат муҳофазаси, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олишни ташкил этиш, бошланғич ташкилотларнинг ташкилий мустаҳкамлигини таъминлаш, ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақларини ўз вақтида тўлиқ олишларини назорат қилиш барча бўғиндаги касаба уюшмалари ташкилотларининг зиммасига юкланади.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши бош ҳуқуқшуноси**


# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

***2014 йил учун катта илмий ходим-изланувчиликка қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:***

| | | |
|---|---|---|
| 12.00.01 | — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи | 5 та ўрин |
| 12.00.02 | — Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи | 3 та ўрин |
| 12.00.03 | — Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ | 3 та ўрин |
| 12.00.04 | — Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация | 3 та ўрин |
| 12.00.05 | — Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи | 2 та ўрин |
| 12.00.06 | — Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ | 2 та ўрин |
| 12.00.07 | — Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура | 2 та ўрин |
| 12.00.08 | — Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи | 3 та ўрин |
| 12.00.09 | — Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси | 3 та ўрин |
| 12.00.10 | — Халқаро ҳуқуқ | 2 та ўрин |

**Ҳужжатлар 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

Катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ариза;

маълумотнома;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;

тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта). илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;

талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;

етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Кириш имтиҳонлари Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича) ва мутахассисликдан иборат бўлади.

**Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35 уй, Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими**
**Тел.: 233-66-36 (113, 213)**

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

***2014 йил учун мустақил изланувчиликка қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:***

| | |
|---|---|
| 12.00.01 | — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи |
| 12.00.02 | — Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи |
| 12.00.03 | — Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ |
| 12.00.04 | — Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация |
| 12.00.05 | — Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи |
| 12.00.06 | — Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ |
| 12.00.07 | — Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура |
| 12.00.08 | — Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи |
| 12.00.09 | — Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси |
| 12.00.10 | — Халқаро ҳуқуқ |

**Ҳужжатлар 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

Талабгорлар мустақил изланувчиликка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ариза;

иш жойидан тавсифнома;

маълумотнома;

олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;

илмий ишлар рўйхати.

**Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35 уй, Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими**
**Тел.: 233-66-36 (113, 213)**


Савол-жавоб

# Зарар ким томонидан тўланади?

**— Фермер хўжалиги раҳбариман. Маҳсулотларни қайта ишлаш корхонасининг айби билан ўртамизда тузилган шартномани расмийлаштириш кечиктирилди. Натижада, етиштирган маҳсулотларимизнинг бир қисми яроқсиз ҳолга келди. Айтинг-чи, етказилган зарарни ким тўлаши керак?**

**Анвар ТЎЛАШЕВ,**
**Зангиота тумани**

— Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса — битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий, деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексида назарда тутилган баъзи ҳолларда битимни нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортаётган тараф битимни кечиктирилганлиги туфайли етказилган зарарни тўлаши лозим.

**— Яқин ўртоғим машинасининг ҳужжатларини гаров эвазига қолдириб, мендан катта сумма қарз олган эди. Орадан икки-уч йил ўтса-да, қарзини қайтаришни ўйламайди. Ундан тилхат ёздириб олмаганим учун бундай вазиятда қандай йўл тутишни билмайман. Айтинг-чи, у берган гаров ашёси қарз олганини исботлайдими?**

**Сирожиддин САДРИДДИНОВ,**
**Тошкент вилояти**

— Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилади. Шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши шарт.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Шунингдек, қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

**Саволга Тошкент вилояти Янгийўл тумани 6-сон давлат нотариал идораси нотариуси Кумри ТАШТАНОВА жавоб берди.**

# Меҳнат шартномасини бекор қилишмоқчи

**— Сўнгги 6 йил давомида меҳнат таътилига чиқмаганман. Ҳозир мен билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишмоқчи, бош ҳисобчи менга фақат уч йил учун пуллик компенсация тўлаш мумкинлигини, қолган йилларнинг муддати ўтиб кетганлигини айтди. Шу тўғрими?**

**Камол ДЕҲҚОНОВ,**
**Қибрай тумани**

— Меҳнат кодексининг 151-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланади. Шунинг учун агар ходим олти йил давомида ўзининг йиллик таътилларидан фойдаланмаган бўлса, меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда иш берувчи унга юқорида кўрсатилган барча фойдаланилмаган таътиллар учун пуллик компенсация тўлаши шарт. Бундан ташқари, мазкур кодекснинг 275-моддасида бегиланганидек, иш берувчи ходимнинг пул ундиришга доир талабларини ҳеч қандай муҳлат билан чекламай, ҳамма вақт учун қондириши лозим.

Иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда пуллик компенсацияни барча фойдаланилмаган асосий ва қўшимча таътиллар учун тўлашни рад этаётган бўлса, меҳнат низоларини кўриб чиқувчи орган ходимнинг унга тўланиши керак бўлган барча фойдаланилмаган таътил кунлари учун компенсация тўлаш ҳақидаги талабларини тўлиқ ҳажмда қондиради.

Даъво муддати судга ёки меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат қилиш муддатлари учун қўлланилади, Фуқаролик кодексининг 150-моддасида умумий даъво муддати уч йил этиб белгиланган. Шу билан бирга, Фуқаролик кодексининг 151-моддасига кўра, айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкин.

**Саволларга Тошкент вилояти Адлия бошқармаси масъул ходими Рустам ЗУФАРОВ жавоб берди.**

# Гюго ҳикматлари

Дипломатлар ўз ҳис-ҳаяжонларидан ташқари, барчасига хиёнат қиладилар.

* * *

Адолатдан юқори нима бор? Одиллик.

* * *

Қонунлар урф-одатларнинг давомидир.

* * *

Олмос ботқоқда ғарқ бўлмас.

* * *

Уйқусизлик туннинг инсон устидан зулм ўтказиши.

* * *

Уятсизлик гоҳида уятни беркитади.

* * *

Ҳалоллик ҳамма нарсага яқин туради.

* * *

Буюк одамлар камдан-кам ҳолларда ёлғизликда пайдо бўлишади.

* * *

Буюк одамларнинг ўзлари пойдевор қуришади. Келажак эса ҳайкал тиклайди.

* * *

Фикрингни пишишига имкон бер. Аммо пишиб, эзилиб кетмасин. Пишиб эзилган фикрларни мевалар каби ғамлаб бўлмайди.

* * *

Вақти келган фикр оламдаги жамики қўшинлардан кучли.

* * *

Ҳаёт бу гул, муҳаббат эса унинг ширасидир.

* * *

Хушомад — ҳарир парда орқали ўпишдек гап.

* * *

Одоблилик ҳақиқатнинг гуллашидир.

* * *

Ҳамён бўшаётганда юрак тўлади.

* * *

Қўрқувни устидан ғалаба қозониш бизга куч беради.

* * *

Машҳурлик майда танга ҳажмидаги ифтихор.

* * *

Тақдир билан олдиндан музокаралар қила олмайсиз.

* * *

Кулгу инсон юзидаги қишни йўқотувчи қуёшдир.

* * *

Манманлик — ичимизда ва бизга қарши бўладиган қўрқинчли куч.

* * *

Жаҳолат — инсоннинг ягона ҳукмдори.

* * *

Севгидан ўлиш у билан яшаш, демакдир.

* * *

Тақдир фақатгина кўр эмас, балки севадиганларни ҳам кўр қилади.

* * *




Меҳрибон бўлиш жуда ҳам осон. Адолатли бўлиш — жуда қийин.

* * *

Ялқовлик — она. Унинг ўғли ўғрилик, қизи эса очликдир.

* * *

Фикр юритиш ақлнинг иши, хаёлпарастлик унинг ҳирсидир.

* * *

Ватанга қарши курашиб қаҳрамон бўлолмайсиз.

* * *

Боланинг тили чиқишидай тантанали мадҳия йўқ.

* * *

Севгининг аёлларда биринчи белгиси — жасурлик, эркакларда эса унинг тескариси.

* * *

Ёруғлик! Ёруғлик! Ҳамма жойда ёруғлик! Ҳамма унга муҳтож. У эса китобда жойлашган.

* * *

Халқни ўқитиш — уни яхши қилиш, демакдир. Халқни маърифатли қилиш — ахлоқли қилиш, демакдир. Саводли қилиш эса — ривожлантириш демакдир.

* * *

Ҳар бир одамнинг кўзида доим унинг тафаккури акс этиб туради.

* * *

Шон-шуҳрат ва нафрат ҳамиша елкама-елка юради.

* * *

Табиат инсоннинг инсон бўлиши учун қанча ҳисса қўшган бўлса, жамият ҳам шунча улушини қўшсин.

* * *

Сургун (қамоқ) — бу ярамас малҳам; у аввал ёмон қонни сўриб олиб, кейин уни янада кўпроқ заҳарлаб баданга сингдиради.

* * *

Ўлим жазоси — ваҳшиёна қассоблик.

* * *

Ғирт нодонлик ёмон билимдан афзалроқдир...

**Юридик фанлар доктори, профессор Акмал САИДОВ таржимаси.**

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Фарғона вилояти**

Фарғона шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент шаҳрида**

Юнусобод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Қорақалпоғистон Республикаси**

Нукус шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрткўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чимбой туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Бухоро вилояти**

Бухоро шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қоракўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Когон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пешку туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Вобкент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Қашқадарё вилояти**

Қарши шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ғузор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Наманган вилояти**

Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Самарқанд вилояти**

Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Сирдарё вилояти**

Гулистон шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Сурхондарё вилояти**

Қизириқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Фарғона вилояти**

Риштон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бешариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Хоразм вилояти**

Хазорасп туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент вилояти**

Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ўртачирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Паркент туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент шаҳрида**

Учтепа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Яккасарой туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Юнусобод туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Шайхонтоҳур туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2013 йил 26 сентябрь)**
**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

Малака комиссиясининг 06.08.2013 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 12.08.2013 йилдаги №218-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "CHILONZOR HIMOYACHILARI" адвокатлик фирмаси адвокати Ишматов Бурханга бошқарма томонидан 18.08.2010 йилда берилган TN-001282 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 17.10.2011 йилда берилган 2025-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 06.08.2013 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 12.08.2013 йилдаги №218-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "QONUNCHILIK" адвокатлик фирмаси адвокати Рахимов Ойбек Раимовичга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 23.06.2009 йилда берилган TS-000283 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва бошқарма томонидан 01.11.2011 йилда берилган 2043-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 06.08.2013 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 12.08.2013 йилдаги №218-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "YU-MARA PROTECTION" адвокатлик фирмаси адвокати Наимова Музаям Муратовнага бошқарма томонидан 23.06.2009 йилда берилган TN-001019 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 31.03.2010 йилда берилган 1461-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.08.2013 йилдаги №214-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "FERUZ KANSULTANT" адвокатлик бюросининг адвокати Ибодуллаев Валижон Аминбаевичга бошқарма томонидан 29.06.2009 йилда берилган TN №001117 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 03.05.2010 йилда берилган 1487-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.08.2013 йилдаги №213-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ZASLON SERVIS" адвокатлик фирмасининг адвокати Сандибаев Улуғбек Усманқуловичга Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан 29.06.2009 йилда берилган GZ №000066 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 13.08.2009 йилда берилган 1213-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 01.08.2013 йилдаги №202-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "XALQARO-HUQUQIY ISHLAR BO"YICHA" адвокатлар ҳайъати адвокати Туляганова Насиба Арифджановна вафот этганлиги сабабли Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 29.05.2009 йилда берилган TN 000076 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 05.08.2013 йилдаги №205-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "FIKON-ADVOKAT" адвокатлик фирмасининг адвокати Абдурасулев Хайдар Баходировичга бошқарма томонидан 24.09.2012 йилда берилган TN №001592 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 03.10.2012 йилда берилган 2368-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 05.08.2013 йилдаги №206-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "TOLEGRO" адвокатлик фирмасининг адвокати Турсынкулова Хилола Жумадилдаевнага бошқарма томонидан 08.06.2009 йилда берилган TN №000759 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 30.06.2009 йилда берилган 497-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 24.07.2013 йилдаги №198-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "SHAMS TOSHKENT ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Алимов Юлдашмурад Махкамовичга нисбатан суд ҳукми қонуний кучга кирганлиги сабабли унга 05.06.2009 йилда берилган TN №000442 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 31.07.2009 йилда берилган 1146-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 17.07.2013 йилдаги №188-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "MARD — ADVOKAT" адвокатлик бюросининг адвокати Файзиев Шароф Саидовичга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 23.06.2009 йилда берилган TS №000265 рақамли лицензиянинг ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 29.06.2009 йилда берилган 296-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомнинг 27-банди ҳамда Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 15 августдаги 70-ум-сонли буйруғига асосан Тожиев Сайфиддин Рашидовичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Наманган вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 16 августдаги 73-ум-сонли буйруғига асосан вилоятдаги "NAMANGAN ADVOKATLAR HAY'ATI" адвокатлар ҳайъати адвокати Артыков Босит Вохидовичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 25 август куни берилган NA 000136-сонли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.


## Реклама ва эълонлар

**Ҳурматли юртдошлар!**

**"Асака"** давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)

**Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

**"МУСТАҚИЛЛИК — 2013"**

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан (12 ой) сўнг берилади.*



| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилояти филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилояти филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилояти филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилояти филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилояти филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилояти филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилояти филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилояти филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилояти филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилояти филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилояти филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилояти филиали | 372 | 226-43-11 |

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: "Асака" банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

***"Асака" банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва қўпайишини кафолатлайди! Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.***

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган.



**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Султонов Алимқул Тошбекович
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-7903. **Тиражи — 17114.**
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

**МАНЗИЛИМИЗ:** 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5